

Биродар халққа ёрдам

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биродар Беларусь халқига дўстона ёрдами икки мамлакат халқлари бирдамлиги, бирлигининг яна бир ифодаси

бўлди. Аллақачон глобал муаммога айланган корона-вирусга тезроқ барҳам бериш дунё халқларининг бир мақсад йўлидаги ҳамкорлиги ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларига бевосита

боғлиқир. Ўзбекистон Президентининг биродар Беларусь халқига тиббий маҳсулотлардан иборат дўстона ёрдами шакллантирилиб, махсус рейс орқали юборилган эди.

Борис АНДРОСЮК, Беларусь соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:

— Мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва барча тиббиёт ходимлари номидан шундай қийин вазиятда ёрдам қўлини чўзган ўзбек халқига миннатдорлик билдираман. Ушбу гигиеник во-

ситалар коронавирусга қарши курашишда жуда муҳим ҳисобланади. Бу ҳозирги қийин ҳолатда дўст ўзбек халқи томонидан ажойиб қадам бўлди. Барчаси учун раҳмат.



Аркадий ШКЛЯР, педагогика фанлари доктори, профессор:



— Қадрли ўзбек биродарларимиз! Ўзбекистон Президентининг Беларусь халқига коронавирусга қарши курашишдаги ёрдамини мен катта мамнуният билан қабул қилдим. Аёвсиз уруш йилларида Россия, Украина, Беларусдан эвакуация қилинган минглаб қариялар, аёллар, бо-

лаларни ўзбек халқи, ўзбек оилалари қучоқ очиб кутиб олиб, бир бурда нонини бўлишиб еганига гувоҳ бўлганмиз. Мана, бугун биз яна ўзбек халқининг буюклигини кўрмоқдамиз. Бошим ерга теккунга қадар қадрдон ўзбек халқига, унинг Президентига таъзимдаман.

Ольга САМУСЕВИЧ, Беларусь давлат университети декани:

— Ўзбекистон Президенти ва давлатингизнинг ушбу ёрдами икки биродар халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ҳеч қандай эпидемия, ҳеч қандай душман бизнинг ҳамкорлигимизга хавф сола олмаслигидан далолат. Аксинча, шундай кунларда ҳақиқий дўстлар, ишончли шериклар сараланади. Барчага ўз миннатдорлигимни билдираман.

